

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЁДЖУ ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ИЧКИ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ

1. Умумий қоидалар.

1.1. Мазкур Ички тартиб қоидалари Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институтида (бундан кейин матнда – Институт деб юритилади) ўқув жараёни ҳамда институт ҳудудида юриш-туриш жараёнларини тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

1.2. Мазкур Ички тартиб қоидалар (бундан кейин матнда – Қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Институт Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Институт талабаларининг ўқув жараёнидаги, шунингдек, институт биноларида, ҳудудида ва унга тегишли бошқа объектларида бўладиган бошқа жараёнларни тартибга солади.

1.3. Қоидалар Институт ректори томонидан таъсисчилар билан келишилган ҳолда тасдиқлангандан кейин кучга киради.

1.4. Талабалар таълим олишда тенг ҳуқуқларга эгалар ва агар қонун ҳужжатларида, Институт Устави, мазкур Қоидалар ва/ёки бошқа ички ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шу ҳуқуқ асосида вазифаларни бажарадилар.

1.5. Мазкур Қоидалар талабларига амал қиладиган шахслар таркибига Институтга ўрнатилган тартибда қабул қилинган талабалар, тингловчилар, докторантлар, тадқиқотчилар ва Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқа тоифадаги шахслар киради.

1.6. Мазкур Қоидаларга мувофиқ, иш берувчи сифатида Институт ректори ва у ваколат берган бошқа раҳбар ходимлар фаолият олиб боради.

1.7. Мазкур Қоидалар Институт ходимлари ва талабалари эътиборига етказиш учун Институтнинг расмий сайтида жойлаштирилади.

2. Талабаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

2.1. Институт ректори буйруғи билан бакалавриат таълим йўналиши бўйича қабул қилинган шахс Институт талабаси ҳисобланади.

2.2. Институтга қабул қилинган талабага бепул ID карта берилади. ID карта йўқотилган тақдирда, уни қайтадан бериш пуллик асосда амалга оширилади.

2.3. Талабаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Институт Устави ва Уставда кўзда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

2.4. Институт талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1. Тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ таълим олишлари.

2.4.2. Ўрнатилган тартибда қўшимча таълим хизматларини олишлари.

2.4.3. Ўз кадр-қиммати, виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, ахборот олиш, ўз фикр ва эътиқодларини эркин ифодалашлари.

2.4.4. Институт фаолиятига оид муҳим масалалар муҳокамасида жамоат ташкилотлари ва Институтнинг раҳбарияти орқали иштирок этишлари.

2.4.5. Институтнинг кутубхона ва информацион фондларидан, ўқув-тарбиявий жараён билан боғлиқ тадбирлар доирасида ўқув, илмий ва бошқа бўлимларнинг хизматларидан бепул фойдаланишлари.

2.4.6. Илмий-тадқиқот ишларида, конференцияларда, симпозиумларда, учрашувларда, танловларда иштирок этишлари, нашр этиш учун мақолалар беришлари.

2.4.7. Ўқитишнинг сифати ва услублари, шунингдек, уларни такомиллаштириш бўйича ўз фикрларини эркин ифодалашлари.

2.4.8. Ўқув дастурларининг барча талаблари бажарилган тақдирда, имтиҳонларни муддатидан олдин топширишлари.

2.4.9. Талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва талабаларнинг жамоат ташкилотларни ташкил этишлари.

2.4.10. Институтнинг, таълим йўналишининг ва бошқа бўлимларнинг бошқарув органларига сайланиш ва сайлашлари.

2.4.11. Ўқув режаларида кўзда тутилмаган бошқа тадбирларда иштирок этишлари.

2.4.12. Институт раҳбариятининг буйруқ ва фармойишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ариза ёки шикоят билан мурожаат қилишлари.

2.4.13. Тегишли йўналиш раҳбари билан келишилган ҳолда ўқишдан бўш вақтларида йўналишга мос ташкилотларда ишлашлари.

2.4.14. Турар жойга эҳтиёжи бор талабалар учун Талабалар турар жойида истиқомат қилишлари (Талабалар турар жойи мавжуд бўлган тақдирда).

2.4.15. Талабалар қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

2.5. Институт талабаларига ўқув жараёнидаги муваффақиятлари ва илмий-тадқиқот ишларидаги фаол иштироки учун турли шаклдаги рағбатлантиришлар белгиланади.

2.6. Талабаларни жамоатчилик, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, ҳаракатлар ва партиялар, шунингдек уларнинг ушбу ташкилотларнинг фаолиятига, уларнинг тарғибот кампаниялари ва сиёсий тадбирларига мажбурий жалб этилишига, шунингдек, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

2.7. Институт талабаларининг мажбуриятлари:

2.7.1. Таълим олишда танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича таълим дастурини ўзлаштириш учун барча талабаларни бажаришлари.

2.7.2. Ўқув машғулотларига қатнашишлари, ўқув режаси ва ўқув дастурларида кўзда тутилган барча топшириқларни ўз вақтида бажаришлари.

2.7.3. Ўзларининг маданий ва профессионал билим даражаларини оширишлари.

2.7.4. Институтнинг талабалари ва ходимларининг қадр-қиммати, фикри, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари.

2.7.5. Институт Уставига, мазкур Қоидаларга, Талабалар турар жойи Низомига (мавжуд бўлган тақдирда), ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, шунингдек, ўқув ва илмий лабораторияларда техника хавфсизлиги қоидаларига, Институтнинг ички ҳужжатларига амал қилишлари.

2.7.6. Институтнинг мол-мулки ва китоб фонддини эҳтиёт қилиш, Институт ҳудуди, ўқув хоналари, умумий фойдаланиш жойларида тозалик ва тартибга риоя қилишлари, институт мулкига етказилган моддий зарар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари.

2.7.7. Ўзининг илмий салоҳиятларини ёки билимларини ошириб боришлари.

2.7.8. Иш жойида тарбиявий ишларни ташкил этиш кўникмаларини эгаллашлари.

2.7.9. Ўқув машғулотларига, ўқув йиғинларига, амалиётга ва бошқа ўқув режасида кўзда тутилган жараёнларда қатнаша олмаган тақдирда, тегишли йўналиш раҳбарига бу ҳақида хабар беришлари ва машғулотларга қайтган биринчи кунда дарс қолдириш

сабабларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши зарур. Талаба касал бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотномани тақдим этадилар.

2.7.10. Ўрнатилган тартибда ўзига-ўзи хизмат қилиш асосида техник ходимлар билан биргаликда ўқув хоналарида тозалик ва тартиб қоидаларига риоя қилишлари.

2.7.11. Аудиторияга профессор-ўқитувчилар, Институт раҳбарияти кирган пайтда ўрнидан туриб саломлашишлари.

2.7.12. Ўқув биносида, шунингдек, кўчада ва жамоат жойларида интизомли ва озода бўлишлари.

2.7.13. Институт томонидан берилган ўқув адабиётларини ўз вақтида қайтаришлари, акс ҳолда, Институт ўқишни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатни бермаслик ҳуқуқига эга.

2.7.14. Таълим олиш учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишлари, тўловларга оид ҳужжатларни сақлаш, Институт томонидан сўралган тақдирда, тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари.

2.8. Ўқув дастурларидаги талабларга бўйсунмаслик, Институт Устави ва мазкур Қоидалар талабларини бажармаганликлари учун талабаларга талабалар сафидан четлаштиришгача бўлган интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.

2.9. Талабаларга қуйидагилар тавсия этилади:

2.9.1. Аёллар учун – классик услубдаги костюм, кўйлак, юбка ёки шим, мавсумий пойабзал.

2.9.2. Эркаклар учун – костюм, классик услубдаги бир хил рангдаги шим ва кўйлак, мавсумий пойабзал.

2.10. Институт ҳудудида спорт формасида юриш таъқиқланади, спорт билан шуғулланиш пайтидан ташқари (зал, футбол майдони, баскетбол майдони).

2.11. Аёллар учун қайси мақомда бўлишидан ва об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар шаффоф, олди ва елка қисми катта очик, орқа ва қорни очик кийимларда юриш таъқиқланади.

2.12. Эркаклар ҳар доим тоза, озода бўлиши керак (соч калта ва соқол олинган).

3. Институтнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

3.1. Институтнинг олий таълим муассасаси сифатида, ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва унга юклатилган бошқа вазифаларни бажариши учун мажбуриятлари қуйидагилар:

3.1.1. Илмий, техникавий ва маданиятнинг сўнги ютуқларини, амалиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш учун шарт-шароит яратиш.

3.1.2. Таълим беришнинг илғор методларини ўрганиш ва тадбиқ қилиш.

3.1.3. Ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ ўқув жараёнини зарурий ўқув-методик, махсус ва норматив адабиётлар, материаллар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш.

3.1.4. Институтда кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув режалари ва асосий фанлар бўйича фан дастурларини ишлаб чиқиш.

3.1.5. Талабалар, тингловчилар билан ўқув-тарбиявий, маданий ва маърифий тадбирларни амалга ошириш, жисмоний тарбия ва бадиий ижодкорлик тадбирларини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

3.1.6. Ўқув интизомига қатъий риоя этиш, уни мустаҳкамлаш, ўқув жараёнида вақтни беҳуда йўқотиш ва интизомни бузилишини олдини олиш мақсадида мунтазам равишда ташкилий, иқтисодий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш.

3.1.7. Таълимга оид қонунлар талаблари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мазкур Қоидалар ва институтнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига риоя қилиш.

3.1.8. Малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда талабаларнинг тиббий жиҳозлар, анжомлар билан таъминланган хонада бепул шошилиш тиббий ёрдам олиш (тиббий ёрдам) олиш шароитларини яратиш.

3.1.9. Талабаларнинг техника хавфсизлиги, меҳнат, санитарияси ва гигиенаси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга оид ўқув машғулотларини ўтказилишини ташкил қилиш.

3.1.10. Институт биноси ва хоналарини соз ҳолатда сақлаш, иссиқлик, ёритиш ва ҳаво тозалаш тизимини соз ҳолатда ишлашини таъминлаш, талабаларнинг уст кийимларини сақлаш учун шароитлар яратиш.

3.1.11. Институт талабаларига ўз вақтида таътиллар берилишини таъминлаш.

3.1.12. Талабаларнинг ташаббуси ва фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

3.1.13. Талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш.

3.1.14. Яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш, шу жумладан, талабалар турар жойлари, тиббий, спорт иншоотлари, ошхоналар ва бошқаларни (мавжуд бўлган тақдирда) таъмирлаш ва соз ҳолатда сақлаш.

3.2. Институтнинг, шунингдек, тўлов шартномаси асосида таълим олаётган талабалар ва уларни таълим олиши учун тўловларни амалга оширган корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан, шартномани бажармаганлик учун мажбуриятлар икки томонлама ёки уч томонлама тузилган шартномалар асосида ҳам белгиланади.

4. Ўқув машғулотларини ташкил этиш тартиби ва дам олиш вақтлари.

4.1. Ўқув йили 15 октябрдан бошланади ва тегишли таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ тугайди. Институт Кенгаши ўқув йили бошланишини, 2 ойдан ортиқ бўлмаган бошқа муддатга ўзгартириш ҳуқуқига эга. Ўқув йили 32 ҳафтани ташкил этади (бир семестр 16 ҳафта).

4.2. Ўқув жараёни “Кредит тизими” асосида ташкил этилади. Тегишли бакалаврият таълим йўналишини муваффақиятли тамомлаш учун, талабалар танланган таълим йўналишига қараб 140-160 кредитни ўзлаштириши керак (ҳар семестр учун 15-24 кредит).

4.3. Институт талабаларига Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида кўзда тутилган таътиллар берилади.

4.4. Ўқув йили давомида институт талабаларига жами етти ҳафтадан кам бўлмаган таътил берилади, шу жумладан икки ҳафтадан кам бўлмаган қишки таътил тақдим этилади. Таътил вақти ўқув жараёни графигига мувофиқ белгиланади.

4.5. Институтда қуйидаги ўқув машғулотлари турлари белгиланади: маъруза, семинар, практикум, назорат дарси, тренинг, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, маслаҳат дарси, мустақил иш, амалиёт, курс иши (курс лойиҳаси), битирув малакавий иши (диплом иши), талабаларнинг ўқув-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, ўқув режасида кўзда тутилган бошқа машғулот турлари.

4.6. Дарс жадвали талабаларнинг тоифасига, машғулот турлари, ўқиш шаклига қараб семестр ёки бошқа давр учун тузилади, ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади ва тегишли алоқа воситалари орқали талабалар эътиборига етказилади.

4.7. Талабалар учун барча турдаги ўқув машғулотлари ва ўқиш шакллари бўйича юкламалар Институт кенгаши томонидан белгиланган меъёрлар доирасида Институт Уставига мувофиқ белгиланади. Ўқув юкламалари асосий ўқув дастури доирасида ишчи ўқув режалари ва ўқув жараёни графиги бўйича аниқлаштириб борилади.

4.8. Академик соатнинг давомийлиги – 50 минут.

4.9. Академик соат тугагандан сўнг 10 дақиқалик танаффус берилади.

4.10. Талабаларнинг ўқув хоналарига дарс бошланишида киришлари ва дарс тугагандан сўнг хонадан чиқишларига фақат ўқитувчининг розилиги билан рухсат берилади.

4.11. Талабаларни дарс жадвалида кўзда тутилган ўқув машғулотларидан бошқа ўқув дастурларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлмаган масалалар, шу жумладан, Институтнинг таркибий бўлинмалари масалаларига жалб қилишга йўл қўйилмайди.

4.12. Ўқув жараёни бошланиши билан барча ўқув бинолари ва ҳудудда ўқув жараёни учун зарурий тинчлик ва тартиб сақланиши лозим.

4.13. Ўқув машғулотларини тўхтатиш, ўқув машғулотларида давомида аудиторияга кириш (шу жумладан, бегона шахслар) мумкин эмас, фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно.

4.14. Ҳар бир ўқув машғулоти бошланишига қадар ва ўқув машғулотлари орасидаги танаффуслар пайтида, лаборантлар, кабинет мудирлари, услубчилар ва бошқа ваколатли ходимлар томонидан зарурий ўқув материаллари ва жиҳозлари тайёрлаб қўйилади.

4.15. Аудиториялар, лабораториялар, ўқув хоналарида амалий машғулот дарсларини ўтиш учун ҳар бир курс академик гуруҳларга бўлинади. Академик гуруҳларнинг сони ва таркиби амалий машғулотлар мазмуни ва фан дастурларига қараб Институт ректори буйруғи билан белгиланади.

4.16. Институт пул маблағлари ва (ёки) моддий-техник база мавжуд бўлган тақдирда талабалар учун спорт ва дам олиш лагерларида тўлиқ дам олишни ташкил этиши, шунингдек, дам олиш уйлари, санаторияларга бориш, экскурсия ва сайёҳлик тадбирларини ўтказиш учун имтиёзли шароитлар яратиб бериши мумкин.

5. Талабалар билимини баҳолаш тизими.

5.1. Баҳолаш талабаларнинг ўқув машғулотларидаги иштироки ва ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича амалга оширилади. Талабаларнинг билими қуйидагича баҳоланади:

A+	-	95 - 100 балл.
A	-	90 - 94 балл.
B+	-	85 - 89 балл.
B	-	80 - 84 балл.
C+	-	75 - 79 балл.
C	-	70 - 74 балл.
D+	-	65 - 69 балл.
D	-	60 - 64 балл.
F	-	59 ва ундан паст – FAIL (имтиҳондан ўтмади)

5.2. Талабаларни баҳолаш тизими ҳар бир фан бўйича (Корейс тили фанидан ташқари) семестр давомида топшириқларни бажариш ва дарсда иштирок этиш учун (20 %), оралиқ имтиҳон (40%) ва якуний имтиҳон (40%)дан иборат бўлади.

5.3. Корейс тили фани бўйича баҳолаш тизими қуйидагича: топшириқларни бажариш (20%), дарсда иштирок этиш (20%), оралиқ имтиҳон (30%) ва якуний имтиҳон (30%).

5.4. Топшириқларни бажариш ва оралиқ имтиҳонлар меъзонлари ўқитувчи томонидан мустақил равишда белгиланади. Якуний имтиҳонлар меъзонлари Ўқув-услубий бўлими томонидан ишлаб чиқилади ва Ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

5.5. Оралиқ ва якуний имтиҳонлар, шунингдек фанларни қайта топшириш жадваллари Ўқув-услубий бўлими томонидан ишлаб чиқилади ва Ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

5.6. Фан учун белгиланган умумий соатнинг 20 фоизидан ортиқ сабабсиз дарс қолдирган талаба якуний имтиҳонга киритилмайди.

5.7. Якуний имтиҳонга узрли сабабларсиз иштирок этмаслик тегишли фан бўйича қониқарсиз баҳо (FAIL) олганга тенглаштирилади.

5.8. Қониқарсиз баҳо (FAIL) олган талабаларга тегишли фан бўйича уч марта қайта топшириш имконияти берилади. Қайта топшириш оралиғи энг камида бир ҳафтани ташкил этади.

5.9. Тегишли фан бўйича уч марта қайта топширишдан ўтмаган ҳолларда, тегишли фан бўйича қайтадан ўқиш, асосий контракт суммасидан алоҳида ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

5.10. Қайта ўқиш нархи фаннинг давомийлиги (кредитлар сони) га қараб, тўлов контракт суммасига кўра белгиланади. Фаннинг контракт суммаси қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\text{Фаннинг контракт суммаси} = \frac{\text{Тегишли йўналиш бўйича контракт суммаси}}{\text{Семестр бўйича кредитлар сони}} * \text{Фан бўйича кредитлар сони}$$

5.11. Талаба тегишли семестр учун белгиланган фанларнинг 50 фоизи ёки ундан кўпини ўзлаштирмаган тақдирда, кейинги йилда тегишли семестрга қайта тикланиш ҳуқуқи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

6. Ўқишдаги ютуқлар учун рағбатлантириш.

6.1. Ўқишдаги ютуқлари, илмий-тадқиқот ишларида ва Институт фаолиятидаги фаол иштироки учун, талабалар, тингловчилар, докторантлар ва илмий тадқиқотчилар учун қуйидаги рағбатлантиришлар белгиланади:

- миннатдорчилик эълон қилиш;
- фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- қимматбаҳо совға билан мукофотлаш;
- рағбатлантирувчи тўловлар бериш;
- бир марталик алоҳида стипендиялар белгилаш;
- танлов ғолиби унвони бериш ва бошқалар.

6.2. Рағбатлантириш тегишли йўналиш раҳбари тавсиясига кўра Институт ректори буйруғига асосан амалга оширилади ва талабалар, тингловчилар, докторантлар ва илмий тадқиқотчилар эътиборига етказилади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ нусхаси рағбатлантирилган шахснинг шахсий варақасида сақланади.

6.3. Моддий рағбатлантириш тусидаги рағбатлантиришлар Институтда тегишли маблағлар мавжуд бўлган тақдирда, Молиявий ишлар бўйича менежер таклифини инобатга олган ҳолда белгиланади.

6.4. Ўқув жараёни, илмий ишларда юқори натижаларга эришган талабалар, Институтнинг номли стипендияларига тавсия этилади.

7. Ўқув интизомини бузганлик учун жавобгарлик. Талабалар сафидан четлаштириш, тиклаш ва таълимни бошқа йўналишга кўчириш тартиби.

7.1. Мазкур Қоидалар, Талабалар турар жойи тўғрисидаги Низом (мавжуд бўлган тақдирда) ва Институтнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган мажбуриятларни бузганлиги учун талабаларга нисбатан қуйидаги интизомий чоралардан бири қўлланиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- ҳайфсан;
- Институт талабалари сафидан четлаштириш.

7.2. Интизомий чоралар талабанинг тушунтириш хати олингандан кейин қўлланилади. Тушунтириш хатини ўз вақтида берилмаслиги ёки умуман тақдим этилмаслиги ҳолати далолатнома орқали расмийлаштирилади ва Институтни интизомий чора кўриш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

7.3. Талабаларга интизомий чора ҳолат содир этилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан ва у юзага келган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан қўлланади, талабанинг касаллиги ва/ёки унинг таътилда бўлган вақти бу муддатга кирмайди.

7.4. Талабалар қуйидаги ҳолатларда Институт талабалари сафидан четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз ҳошишига кўра;
- б) бошқа олий ўқув юртига ўқишга кўчирган тақдирда;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) таълим интизомини (академик ўзлаштирмаганлик) ва/ёки Институтнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- д) таълим учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли;
- е) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- ж) Институт билан бир ой сабабларсиз алоқасини узганлиги учун;
- з) вафот этганлиги сабабли.

7.5. Академик ўзлаштирмаганлик учун қуйидагилар талабалар сафидан четлаштирилади:

- тегишли семестр учун белгиланган фанларнинг 50 фоизи ёки ундан кўпини ўзлаштирмаган талабалар;

- академик қарздорликни белгиланган муддатларда қайта топширмаган талабалар.

7.6. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида академик таътил берилиши мумкин.

7.7. Талабаларни касал бўлган пайтлари, таътил, академик таътил пайтида талабалар сафидан четлаштиришга йўл қўйилмайди.

7.8. Интизомий чоралар кўриш тегишли йўналиш раҳбарининг тақдимномасига (тушунтириш хати, далолатнома ва бошқалар билан бирга) кўра Институт ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

7.9. Интизомий чоралар кўриш тўғрисидаги буйруқлар тегишли йўналиш раҳбарлари томонидан талабалар эътиборига етказилади. Талабалар сафидан четлаштириш институт ректори буйруғига асосан амалга оширилади. Интизомий чоралар кўриш ҳақидаги маълумотлар талабанинг шахсий варақасига ёзилади.

7.10. Институт талабалари сафидан четлаштирилган шахсларни тиклаш Қабул комиссияси тавсиясига кўра, Институт ректорининг буйруғига асосан амалга оширилади.

7.11. Талабаларнинг ўқишини институт ичида бир йўналишдан бошқа йўналишга кўчириш Қабул комиссияси фаолияти даврида йўналиш раҳбарлари билан келишилган

ҳолда Институт ректорининг буйруғига асосан амалга оширилади. Бунда, талаба семестр давомида ўзгартирилган йўналиши бўйича пайдо бўлган фанлар (кредитлар) фарқини топшириши зарур. Фанлар (кредитлар) фарқини ўзлаштириш учун тўлов мазкур Қоидаларнинг 5.10-бандига асосан амалга оширилади.

8. Институт биноларида юриш-туриш тартиби.

8.1. Ўқув биноларида зарурий ускуна ва жиҳозлар (мебел, ўқув ускуналари, ўртача ҳарорат, ёруғлик ва бошқалар) учун ваколатли проректор (менежер), шунингдек, таълим йўналишлари раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

8.2. Лаборатория, ўқув хона мудирлари, методистлар лабораториялар ва ўқув хоналаридаги жиҳозлар, ўқув қўлланмаларининг ўқув машғулотларига тайёрлиги учун жавобгар ҳисобланади.

8.3. Институт ҳудудида, шу жумладан ўқув биноларида қуйидагилар таъқиқланади:

8.3.1. Уст ва бош кийимда юриш, Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

8.3.2. Ўқув машғулотлари пайтида бинода ва аудиторияларда юриш, баланд овозда сўзлашиш, шовқин кўтариш.

8.3.3. Чекиш, шу жумладан электрон сигаретларни.

8.3.4. Спиртли ичимликлар ичиш, токсик, психотроп ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш.

8.3.5. Одоб ва ахлоқ нормаларига зид ҳақоратли сўзларни ишлатиш ва/ёки жамоат тартиб қоидаларига зид ҳаракатларни амалга ошириш.

8.4. Институт ректори, бошқа ваколатли ходимлар билан биргаликда, Институтни қўриқлаш, ускуна, жиҳозлар ва бошқа мол-мулкларни сақланиши, шунингдек, Институтнинг ўқув ва турар жой биноларида зарурий тартибни таъминлаши зарур.

8.5. Институт бинолари, ундаги мол-мулкни қўриқлаш, уларнинг ёнғинга қарши ҳолати ва санитар ҳолати учун жавобгар шахслар Институт ректори буйруғи билан Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими, Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими ходимлари зиммаларига юклатилади.

8.6. Байрам ва дам олиш кунларида, шунингдек, фавқулотда ҳолатларда Институт ҳудуди, ўқув биноларида ва турар жойларида, алоҳида иш тартиби ва мол-мулкни сақлашнинг алоҳида тартиби ўрнатилиши, шу билан бирга, масъул ходимларнинг навбатчилиги ташкил этилиши мумкин.

8.7. Институт ректори ва проректорлари (менежерлари)нинг қабул кунлари ва соатлари белгиланади, Институтнинг ахборот стендлари ва сайтида жойлаштирилади.

9. Яқунловчи қоидалар.

9.1. Мазкур Қоидаларнинг амал қилиш муддати белгиланмаган.

9.2. Мазкур Қоидаларга ўзгартириш ёки қўшимчаларни киритиш Ректор буйруғи асосида амалга оширилади.